Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan | «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri | www.turkiston.uz | 2013-yil 26-yanvar, shanba № 7 (15645)

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз опа-сингиллар, муҳтарама аёллар!

Авваламбор, сизларга — Ўзбекистон хотин-қизлари республика конференциясининг барча иштирокчиларига, сизларнинг тимсолингизда бутун мамлакатимиз аёлларига ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, анжуман ишига катта муваффақиятлар тилайман.

Бундан йигирма бир йил олдин ташкил топган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўзининг жойлардаги бўлимлари ва тузилмалари билан бирга ўтган қисқа давр мобайнида, айтиш мумкинки, ўта муҳим ва масъулиятли, улкан вазифаларни амалга оширишда кўпгина ютуқ ва марраларга эришди. Бу ташкилотнинг мамлакатимиз аёлларининг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш борасидаги кўп қиррали фаолияти, жаҳон хотин-қизлар ҳаракатининг эътибор марказида турган долзарб масалаларни ҳал қилишга қўшган ҳиссаси айниқса охирги йилларда унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кучайтиришга олиб келди.

Мамлакатимиз олдида турган устувор вазифаларни амалга оширишда — бу жамиятни демократик янгилаш бўладими, иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантириш бўладими — буларнинг барчасини мужассам қилиб айтганда, Ўзбекистонимиз эришган ва дунё ҳамжамияти тан олаётган марраларни эгаллаш йўлида бутун халқимиз қатори аёлларимизнинг ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳиссаси борлигини бугун яна бир бор чуқур миннатдорлик билан эътироф этишни зарур деб биламан. Ҳақиқатан ҳам, улар ўзларининг меҳнатсеварлиги, оқилалик ва шукроналик фазилатлари, сабр-бардоши, эртанги кунга ишонч туйғуси билан барча қийинчилик ва машаққатларни енгиб, бошқаларга ўрнак бўлиб келаётганини кўплаб ҳаётий мисолларда яққол кўриш мумкин.

Шу борада ўзимизга мос қадрият ва қарашларимизни ифода этадиган муҳим бир масалага эътиборимизни қаратишни ўринли, деб ҳисоблайман.

Ҳар қайси оилада гўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тимсоли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлмиш, бир сўз билан айтганда, оилани оилага, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зотига қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак — барибир барчамиз ўзимизни улар олдида доимо қарздор, деб ҳис қиламиз.

Фақатгина аёл зотига мансуб бўлган мана шундай ноёб, бетакрор хусусият ва фазилатларни таърифлаш ва улуғлаш, уларнинг кундалик турмушимиздаги аҳамияти ва таъсирини кучайтириш, оилаларимизни янада мустаҳкам қилиш, шу аснода ҳаётимизни ҳар томонлама обод, гўзал ва мазмунли этиш — бундай долзарб вазифалар бугунги кунда Хотин-қизлар қўмитаси иш фаолиятида эътибордан четда қолмаслигини истардим.

(Давоми 2-бетда)

Сардор Муллажонов фотоколлажи

## БУЮК БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ

***Тошкентда 25 январь куни Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу анжуман қўмитанинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалар, шунингдек, 2013 йилнинг мамлакатимизда Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан бажариладиган ишлар таҳлилига бағишланди.***

Конференцияда туман, шаҳар ва вилоят хотин-қизлар қўмиталарининг конференцияларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Конференция делегатлари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳуриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар. Улар, шунингдек, Ватанимиз пойтахтида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, янги маҳобатли бинолар ва спорт мажмуалари қурилиши билан танишдилар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Конференция қатнашчилари Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига табригини кўтаринки руҳ билан қабул қилдилар. Улар мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятдаги мавқеи ва ролини ошириш борасида эришилаётган барча ютуқлар давлатимиз раҳбарининг бевосита эътибори ва ғамхўрлиги самараси эканини таъкидладилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова қўмитанинг ўтган даврдаги фаолияти ва унинг истиқболдаги вазифалари ҳақида маъруза қилди.

(Давоми 3-бетда)

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми, боши 1-бетда)

Такрор-такрор айтишга тўғри келади: ҳозирги вақтда оилани, хусусан, ёш оилаларни мустаҳкамлаш, оғирини енгил қилиш, улар дуч келадиган турли муаммоларни ечиш, зарур кўмак ва ёрдам бериш ҳам ана шу масалаларнинг узвий бир қисми эканини яхши англаб олишимиз лозим.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш сингари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар ташкилотлари ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг самарасини янада кучайтиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Муҳтарама опа-сингилларимизнинг ўз билим ва профессионал малакасини, салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари учун, аёлларимиз, ёш қизларимизни айниқса қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, касаначилик, оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар туғдириб бериш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари қаторига киради.

Ҳозирги вақтда дунёда ва минтақамизда вазият тобора кескинлашиб, ўзаро қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бир шароитда оилаларда, маҳаллаларда фаол иш олиб бориш, ёш авлодимизни турли зарарли оқим ва таъсирлардан сақлаш, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган инсоний фазилатларни асраш қандай муҳим аҳамият касб этаётганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада болаларимизни, айниқса, қиз болаларни соғлом руҳда тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллашига кўмаклашиш, урф-одат ва маросимларни давр талаблари билан уйғунлаштириш Хотин-қизлар қўмитаси, унинг жойлардаги вакиллари ва фаоллари, диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар олдида турган энг муҳим вазифадир.

Бугунги анжуманда сизлар айни шу йўналишда олиб бораётган ишларингизга танқидий баҳо бериб, хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини янги, юқори босқичга кўтаришга қаратилган амалий қарорлар қабул қиласиз, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Vatanning fidoyi farzandlari

# Она, юртни дея урмоқда юрак!

### ЁЛҒИЗИМ-А...

— Тур, ҳадемай тонг отади, ўғлим, ҳозир бир қопгина эплаб олмасак, қачон эплаймиз? Турсанг-чи, лапашанг... — Орзихон боласининг елкасига жаҳл билан туртди. Уйқуга тўймаган кўзларини базўр очган болакай беш-ўн дақиқадан кейин онасининг ортидан эргашди. Она-бола нокзорга яқинлашиб, атрофга синчковлик билан назар ташлашди-да, ишга киришдилар. Бир зумда қоп тўлди, ўртага олиб, уйлари томон йўрғалашган она-боланинг димоғлари чоғ эди.

... Орзихоннинг боласи ўн олтига тўлди: энди у далатуздан, кўча-кўйдан рўзғорга нимадир ўғирлаб, олиб кирмаса, ўзининг ҳам кўнгли тўлмайди. Мактабга ҳам ёлчитиб бормади, ўртоғи пойабзалчига шогирд тушганида, яна бир ўртоғи сартарошнинг ҳунарини ўрганаман, деб маҳалладаги сартарошхонага қатнаганида уларнинг устидан кулди.

... Кўза кунда эмас, кунида синди. Орзихон ёлғиз ўғлининг ҳасратида йиғлаб, дардга чалиниб ҳам улгурди. Ёмонларга қўшилиб, чегарадан мол олиб ўтишга ўрганган мазахўрак ўғил энди гиёҳванд модданинг олди-сотдисида айбланиб, қора курсига ўтирди.

Она маҳалла-кўйга, ҳуқуқий идораларга бош уриб, йиғлади, ёлворди: «Боламни ёмонлар йўлдан уришди, ўғлим соддагина, мўмингина эди...», деди. Ҳеч вақт: «Мурғаклигида қўлидан ўзим етаклаб, ўғриликка ўзим бошлаганман. Бошимга ёққан қорни энди ўзим курайман. Аттанг…», демади. Бироқ энди бари бефойда эди.

Ҳа, оналарнинг ўзи шунақа: жиноятчи жигаргўшасини ҳам ёмон демайди, жабр-ситамини тортиб, қовурилиб турса-да, фарзандини қарғамайди. Жилла қурса, дили оғриб: «Ёлғизим-ялмоғизим-а», деб қўяди, холос.

Орзихон яқинда заркентлик Соҳибахон Отамирзаева билан учрашиб қолибди. Иккиси ҳам она-да, аёллик бахти, оналик шарафидан узоқ суҳбатлашиб, сирлашибди. Орзихоннинг дардини тинглаган Соҳибахон ундан сўрабди:

— Кўнглингизга келмасину, ўғлингизни бешикка белаб, ҳеч алла айтганмисиз?

— Алла айтиш... — ўнғайсизланибди Орзихон. — Билмайман-у... Нега бундай деяпсиз?

— Менда ҳам ёлғизгина ўғил бор, — дебди Соҳибахон кўзларидаги соғинч ёшини тез яшириб. — Тетапоя бўлгунича алла айтганман, алла эшитмасдан ухламасди. — Кейин у Орзихонга ўғли Тоҳиржон тўғрисида тўлқинланиб ҳикоя қилиб берибди.

### ОФИЦЕР ЭШИТГАН АЛЛА

Офицернинг онаси билан юзма-юз ўтирибмиз. Нигоҳларида ғурур, кўз қорачиқларида сўнмас меҳр жилваланиб турган қорамағиз, тўлачадан келган аёл қўлидаги суратни еру кўкка, ҳатто менга-да ишонгиси келмаётгандай нуқул бағрига босиб, қўлидан қўймайди. Ниҳоят, ўзим гап очдим:

— Ўша аллани бир эшитайлик...

Она узоқ сукутга толди, бироз ийманаётгани ҳам сезилиб турибди. Кейин оҳиста, мунис ва ёқимли оҳангда алла бошлади:

*Истарангни нурдан-о,*
*Ясаб берди худойим.*
*Ой болажон, алла-ё,*
*Нур болажон, алла-ё.*
*Нур узатгич қуёшим,*
*Сен-ла баланддир бошим.*
*Юрт боласи бўлгин-о,*
*Олқишларга тўлгин-о.*
*Султонлигим, алла-ё,*
*Тоҳиржоним, аллаё.*

Биз — икки она бир яйрадикки, алла сеҳридан гўё самоларда қанот чиқариб учдик, бир этак юлдузларни бағримизга олиб қучдик... Аслида, ўша юлдузлар — бағримизга босмоқ учун умр бўйи хонадонимизга югурган, меҳримизни бермоқ учун ҳамиша талпинганларимиз — ўзимиз дунёга келтирган болажонларимиз эмасми?

Ширин хаёлларимни ҳамроҳим бузди:

— Бу аллани ўғлим Тоҳиржонни уйлантирсам, келинжонимга ҳам ўргатаман. Бир этак набираларимни бешикка белаган чоғимизда айтаман ҳали.

Ўша лаҳзаларда ўз хизмат вазифасини ўтаб юрган Тоҳиржон Отамирзаевнинг қулоқлари қизиган бўлса, ажабмас. Тушларида қирқ кокилли ой қизларни кўрган, муҳаббату садоқатдан хаёлан суҳбат қурган бўлса, ажабмас.

### ТЕНГИ ЙЎҚ БАХТ

Заркентлик Моҳиржон Отамирзаевнинг бағрида ўсиб-унаётган ёлғиз ўғил Тоҳиржон болалигидан ҳарбийларнинг либосига ҳавас билан қарар, бора-бора бу соҳа одамларидаги қатъият, матонат ва бошқа фазилатлар ҳам унинг борлиғини ром этадиган бўлди. Янгиқўрғон туманидаги 30-мактабнинг 5-синфини намунали хулқ билан битиргач, тумандаги 12-давлат ихтиёридаги мактаб-интернатга ўқишга борди. Мактаб-интернатнинг 9-синфини тугаллаб, Андижондаги ҳарбий спорт лицейига йўл олди. Мазкур лицейда интизомлилиги, ҳарбий машқларни бажариш чоғида тиришқоқлиги билан устозларининг эътиборини тортди. Тоҳиржон лицейдаги икки йиллик ўқишдан сўнг Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлиги билим юртига ўқишга кирди. Курсантлик даврида ҳам қатъий тартиб ва дадил ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турган йигит ота-онасига фақат ташаккурномалар олиб берди. Ҳарбий спорт мусобақаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Билим юртини муваффақиятли тамомлаган Тоҳиржон Отамирзаевни Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирига юборишди. Сўнгра Чирчиқдаги ҳарбий қисмда педагог сифатида ўз фаолиятини давом эттирди.

Айни пайтда эса Т.Отамирзаев Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан шартнома асосида хорижга касб малакасини ошириш учун юборилди.

Ҳар бир ота-онага бамаъни, солиҳ болаларининг роҳатини кўриш, раҳматини эшитиш насиб этсин экан. Соҳибахон ўғли Сурхондарёда хизмат қилиб юрганида қисм командирларидан келган миннатдорлик хатларини ҳамон авайлаб сақлайди, баъзида қайта-қайта ўқиб, ифтихор ҳиссига тўлиб-тошади. Бу — тенги йўқ бахт-да!

### БИР КУНИ...

Атрофни ёруғ дунёга эндигина келган чақалоқнинг йиғиси тутди. Келинжондан сўрадилар:

— Исмини нима қўясиз, ойиси?

— Элим омон бўлсин деб Эломон қўймоқчиман...

Элим муродига етсин деб ном қўйилган Элмуродлар, Элшодлар ва Элдорлар… Исми жисмига монанд элпарвар йигитлар кўпаяверсин, ўсиб-унаверсин. Ватанимиз посбонлари элимиз бахтига омон бўлсинлар! Тоҳиржон сингари ота-оналарининг фахри, умиди бўлиб камол топаверсинлар!

**Дилбар АСҚАРОВА,**
**«Turkiston» мухбири**

Kun mavzusi

Ҳозирги кунда республика олий таълим муассасаларида архитектура ва қурилиш соҳасида ўн учта йўналиш ва ўн тўққизта мутахассислик бўйича ўн бир минг нафардан ортиқ талаба таълим оляпти.

# Архитектор ва қурувчи — бунёдкорлик таянчи

Мутахассислигига эга бўлган битирувчилар мамлакатимиз бунёдкорлигига қандай ҳисса қўшмоқда? Улар қаерда ишлашяпти, қандай янгиликлар яратишаяпти? Бу ҳақда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган видеоконференцияда алоҳида тўхталиб ўтилди. Олий таълим тизимида архитектура ва қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш масалаларига бағишланган ушбу видеоконференция вазирлик ҳамда «Uzbekistan Today» ахборот агентлиги ҳамкорлигидаги «Келажакни қурамиз» лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Мазкур конференция мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларини бирлаштирадиган юқори тезликдаги миллий «Электрон таълим» тармоғидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Конференция бошида Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Шуҳрат Қаюмов сўз олиб, олий таълим муассасаларида архитектура ва қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласига тўхталиб ўтди. Шундан сўнг видеоконференцияда қатнашаётган Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти, Жиззах политехника институти, Фарғона политехника институти, Қорақалпоқ давлат университети, Урганч давлат университети ҳамда Наманган муҳандислик-педагогика институти мутахассислари маъруза қилишди.

Видеоконференция доирасида «Келажакни қурамиз» лойиҳасида илк маротаба ижтимоий аҳамиятга эга дастур амалга оширилди. Яъни ушбу соҳага йўналтирилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари ҳам видеоконференцияда тингловчи сифатида қатнашди. Шунингдек, видеоконференцияда талабаларнинг архитектура ва қурилиш соҳасидаги битирув-малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертациялари намойиш этилди.

**Рустам ЮСУПОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

# БУЮК БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ

**(Давоми, боши 1-бетда)**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга, ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ва янгилашга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур улкан бунёдкорлик ишларидан кўзланган асосий мақсад инсон манфаатларини таъминлаш, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун муносиб турмуш шароитини яратиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида одамларнинг салоҳиятини янада ривожлантириш, миллий ўзликни англаш ва жамиятдаги маънавиятни мустаҳкамлашдан иборат. Мамлакатимизнинг бу йўлда эришган барча ютуқлари Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, бугунги кунда бутун дунёда тан олинган, ижтимоий йўналтирилган ривожланишнинг «ўзбек модели» самараларидир.

Амалга оширилаётган чуқур ислоҳотлар доирасида жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини юксалтиришга, уларнинг интеллектуал ва маънавий ривожланиши, билим ҳамда замонавий касбларни эгаллаши, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиши учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, фақат ҳар томонлама билимли, оила ва жамият олдидаги юксак масъулияти ва бурчини чуқур англайдиган, ўзининг хайрли ишлари билан Ватан равнақига ҳисса қўшишга интиладиган хотин-қизларгина буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўла оладиган, янги ҳаётни барпо этиш бўйича олдимизда турган энг муҳим вазифаларни амалга оширишга қодир ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил қилинди. Ушбу нодавлат нотижорат ташкилотнинг асосий мақсади — хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг социал, ижтимоий-ҳуқуқий ва меҳнат жабҳасидаги фаоллигини, ҳуқуқий ва иқтисодий билим даражасини юксалтириш бўйича хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва эҳтиёжларини янада тўлароқ таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йил 2 март куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ҳудудий хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эса жойлардаги ҳокимларнинг ўринбосарлари этиб тайинланиши белгиланган.

Жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш борасидаги навбатдаги қадам 2004 йилда Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар билан боғлиқ. Уларга кўра, сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилиши кўзда тутилган. Мазкур меъёрнинг жорий этилиши натижасида ҳозирги пайтда хотин-қизлар Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 22 фоизини ташкил этади.

Ушбу барча чора-тадбирлар хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал қилишга кенг жалб этишга, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга, оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш ишларини кучайтиришга, шунингдек, вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Қайси соҳада бўлмасин, хотин-қизларнинг Ватан равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати, мамлакатимизда ёш авлодни — жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал ривожланган йигит-қизларни тарбиялашга қўшаётган улкан ҳиссаси муносиб баҳоланмоқда. Улар орасида нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур инсонлар — корхоналар, ташкилотлар ва ННТ раҳбарлари, фермерлар, шифокорлар, фан, маданият, санъат, таълим соҳалари намояндалари кўп. Қатор хотин-қизлар Ватанимизнинг юксак мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг фаровонлигини таъминлаш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда, қишлоқда яшайдиган аёлларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Сўнгги йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида минглаб замонавий, қулай ва шинам уй-жойлар бунёд этилди. Аҳолининг даромадлари ўсиши ва кенг истеъмол кредитларининг ташкил қилиниши самарасида бугун мамлакатимиздаги ҳар бир оилада аёлларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштирувчи замонавий маиший техника мавжуд. Оилаларга, биринчи галда, ёш оилаларга ипотека кредитларини ажратиш орқали уй-жой харид қилиш ва қуришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланмоқда, бу ҳам аёлларнинг кундалик турмуш ташвишларини енгиллаштиришга кўмаклашмоқда. Буларнинг барчаси жамиятимизда хотин-қизларга ҳурмат ва эътиборнинг нақадар юксак эканлигидан далолатдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мазкур қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш борасида янги имкониятлар очиб берди.

Ўтган давр мобайнида хотин-қизларнинг ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатини амалга оширишдаги иштирокини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан ҳамкорликда бу соҳадаги энг муҳим халқаро ҳужжат — БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича конвенциясининг қоидаларини амалга ошириш бўйича иккита миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Барча соҳаларда гендер тенглигини таъминлаш бўйича Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари хизматларидан умумфойдаланиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши ишларида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш бўйича Ўзбекистонда қабул қилинаётган чора-тадбирлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошида Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳасида жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил қилинган. Таълим муассасалари, корхоналар, ташкилотлар ва маҳаллаларда «Соғлом она — соғлом бола» дастури доирасида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини тарбиялаш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш бўйича маърифий ишлар олиб борилмоқда. Адлия органлари билан ҳамкорликда ўрта махсус ўқув юртларида «Ёш оилалар мактаблари» ташкил қилинган. Мураккаб турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизларга психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда. Психологлар, юристлар, маҳаллалар фаоллари иштирокида оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда оилавий спорт, хотин-қизлар ва болалар спорти жадал тараққий этмоқда. Барча ҳудудларда хотин-қизлар учун 39 спорт тури бўйича 35 минг секция ташкил қилинган. Уларда бугунги кунда 3,5 миллиондан зиёд хотин-қиз шуғулланмоқда. Ҳар йили ҳудудий хотин-қизлар спорт фестиваллари ўтказилмоқда. Аёлларни, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаёт сифатини юксалтириш имконини бермоқда. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ўртача умр кўриши 7 йилга узайиб, ҳозирги кунда 75 ёшни ташкил этаётгани бундан ёрқин далолатдир.

Хотин-қизлар бандлиги масалаларини ҳал қилишга, биринчи галда қишлоқ жойларда уларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга, уларни тадбиркорлик фаолиятига, аввало, кичик ва оилавий бизнес соҳаларига, хизмат кўрсатиш, фермерлик ва касаначиликка жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Уларга ўз бизнесини очиши учун ажратилаётган кредитлар ҳажми ортиб бормоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга 491,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган фармонига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий қилинган. Ушбу муҳим вазифаларни аҳоли ўртасида обрў қозонган, чуқур билим ва бой ҳаётий тажрибага эга аёллар бажармоқда. Уларнинг фаолият доирасига жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш, халқимизнинг энг яхши анъаналарини, меҳр-мурувват, бағрикенглик, саховат каби фазилатларни ривожлантиришга оид масалалар киради. Айни пайтда маҳаллалар маслаҳатчилари хотин-қизлар ва ёш авлод вакиллари ўртасида турли бузғунчи кучлар томонидан уларнинг онгига таъсир ўтказишга бўлаётган уринишларга нисбатан маънавий етуклик ва қатъиятли бўлиш фазилатларини тарбиялаш бўйича изчил ишларни олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳар томонлама баркамол ёшларни, шу жумладан қизларни тарбиялаш борасида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган. Ушбу мукофот ўқишда, ижодда ва ижтимоий ҳаётда юксак натижаларга эришган қизларга берилади.

Конференцияда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тузилмалари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ҳам муҳокама қилинди, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Таъкидландики, мамлакатимизнинг хотин-қизлар ташкилотлари улкан салоҳиятга ва фойдаланилмаётган имкониятларга эга. Хусусан, уларнинг мамлакатимизда, биринчи навбатда жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги ролини, баркамол ёш авлодни тарбиялаш, хотин-қизлар ва ёшларнинг онги ва дунёқарашини кенгайтириш, шу жумладан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёш оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, хотин-қизлар тадбиркорлигини кенг ривожлантириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш жараёнидаги иштирокини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Конференцияда бу вазифаларнинг барчаси мамлакатимизнинг ҳозирги замонавий ривожланиш тенденцияларига мос равишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини янада юқори даражага кўтаришни, айни пайтда мамлакатимизнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлашни тақозо этаётгани таъкидланди.

Муҳокамада конференция делегатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Абдураҳимова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг раиси З.Иброҳимова, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоят хотин-қизлар қўмиталарининг раислари — И.Каримова (Қашқадарё вилояти), М.Азизова (Наманган вилояти), С.Файзиева (Тошкент вилояти), халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати, Фориш туманидаги «Фортекс» корхонаси раҳбари Б.Тўраева, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати, Қашқадарё вилояти Муборак тумани Иссиқлик-электрмарказининг илмий ходими Х.Холиқова, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича бўлим инспектори Ш.Ҳидоятова, Фарғона вилояти Учкўприк туманидан касаначи И.Рашидова ва бошқалар сўзга чиқди.

Конференция иштирокчилари муҳокама натижалари бўйича Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, шунингдек, 2013 йилнинг Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва оилани мустаҳкамлашда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини қабул қилди. Айни пайтда давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида белгиланган янги вазифалар алоҳида долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Зеро, бу вазифаларнинг амалга оширилиши ушбу жараёнларни янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Конференция делегатлари, шунингдек, ушбу вазифаларнинг жойлардаги муҳокамаси ва хотин-қизлар қўмиталарининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган чуқур демократик ислоҳотлардаги иштирокини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Конференцияда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Устави янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг таркиби сайланди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб Э.Боситхонова сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

2013-yil 26-yanvar // 7-son
Turkiston 5

## Hududlardan mujdalar

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

**Тошкент давлат юридик институтида «Гиёҳвандлик ва ОИТС — умр заволи» мавзуида маънавий-маърифий давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Ҳаракатнинг институтдаги бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази, шаҳар наркология диспансери, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси олий ўқув курслари ходимлари ҳамда журналистлар қатнашди.

Сўзга чиққан маърузачилар гиёҳвандлик ва ОИТС бугун дунё аҳлига жиддий хавф солаётгани, бу иллатларга қарши биргаликда кураш олиб борилишини таъкидлашди. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Бироқ амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш лозимлиги айтилди. Шунингдек, гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши кураш, бу иллатлар билан боғлиқ жиноятлар ва улар бўйича жавобгарлик масалалари атрофлича таҳлил қилинди ҳамда талабаларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари тингланди.

Давра суҳбати сўнгида бу каби иллатларнинг олдини олиш борасида соғлиқни сақлаш тизими, хотин-қизлар қўмитаси, маҳаллалар, «Камолот» ЁИҲнинг жойлардаги кенгашлари фаоллигини янада ошириш зарурлиги қайд этилди.

НАВОИЙ

**Вилоят «Ёшлар маркази»да «Биз — ёш тадбиркор оиламиз» шиори остида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Ушбу тадбир Ҳаракатнинг вилоят кенгаши, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, савдосаноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлими, давлат солиқ бошқармаси ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ёшлар ҳамда оилавий бизнесни йўлга қўйган оилалар вакиллари қатнашди. Дастлаб ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Ўтган йилда Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қўмагида ўн беш нафардан ортиқ ёшлар тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

Учрашув давомида вилоятдаги хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, оилавий бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирларга тўхталиб, йиллик кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Шунингдек, ёшларнинг бизнес лойиҳалар асосида фаолиятини йўлга қўйишлари учун тижорат банкларидан кредит олиш масалалари ҳам муҳокама этилиб, ўз бизнесини бошлаган ёш тадбиркорлар билан суҳбат ўтказилди.

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

**Ислом Каримов**

# КЕЛАЖАККА ДАХЛДОР МАСАЛА, истиқболга йўналтирилган таклифлар

*Пойтахтимизда 22-23 январь кунлари «Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари» мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.*

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу йирик анжуманни мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг бугунги ҳолати ва истиқболларини кўрсатиб берган ўзига хос йирик форум деб аташ мумкин.**

Анжуман мавзуси доирасида қамраб олинган масалалар эса, чиндаман долзарб. Ахир, юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этиб турган бир пайтда ёшлар масаласига бефарқ ёки эътиборсиз бўлиш мумкин эмас, бунинг иложи ҳам йўқ. Қоларверса, бугун юртимизда истиқомат қилаётган, қариб 18 миллион ёш Ўзбекистоннинг кейинги тараққиёти учун хизмат қиладиган, том маънода, ҳал қилувчи куч ҳисобланади. Қўйингки, мамлакат ривожланишида бирламчи омил дея қабул қилинувчи инсон капитали, бошқача қилиб айтганда, замонавий, рақобатбардош кадрлар захирасини ҳам айнан ёшлар ташкил этишини унутмаслик зарур. Демак, айни шароитда мамлакатимизни ривожлантириш биз учун қанчалик муҳим бўлса, ёшларнинг ривожланиши ҳам шу қадар принципиал долзарб масаладир.

«Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари» мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани давомида Ўзбекистонда ёшлар сиёсатининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иждодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, мамлакатни демократик янгилаш жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, мустақил фикрлайдиган, ўз ҳаётий позицияси ва мустаҳкам эътиқодига эга ёш авлодни тарбиялашнинг маънавий-маърифий асослари, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ёшлар спортини ривожлантириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг роли масалалари атрофлича таҳлил қилинди, фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Илк маротаба ушбу мавзулар ва, умуман, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати фақат илмий ёки фақат амалиётчилар доирасида эмас, балки интеграциялашган тарзда, яъни ҳам олим ва тадқиқотчилар, ҳам ёшлар сиёсатини амалга ошириш учун масъул вазирлик ва идоралар, шунингдек, давлат ва нодавлат органлар вакиллари, ҳам ёшларнинг бевосита иштирокида муҳокама қилинди. Бежиз эмаски, бу жиҳат пировард натижада иштирокчилар томонидан анжуманнинг энг асосий ютуғи сифатида эътироф этилди.

Республика илмий-амалий анжуманининг якуновчи ялпи мажлиси Ёшлар иждод саройида бўлиб ўтди. Унда модераторларнинг анжуман шўъба йиғилишлари бўйича хулосалари тингланди.

Тақдим этилган маърузалар ҳамда мунозарада қатнашганлар сони жиҳатидан «Мустақил фикрлайдиган, ўз ҳаётий позицияси ва мустаҳкам эътиқодига эга ёш авлодни тарбиялашнинг маънавий-маърифий асослари» мавзуига бағишланган тўртинчи шўъба анжуманнинг энг катта таркибий қисмига айланди, дейиш мумкин. Ушбу шўъбага икки юздан зиёд мақола келиб тушган. Маърузага 58 нафар иштирокчи чиқди, яна етмиш нафар олим, тадқиқотчи, мутахассис ва ёшлар муҳокама жараёнида фаол қатнашдилар. Билдирилган таклифлар ҳам эътиборга молик. Масалан, улардан бири ўзбек халқининг бой маънавий мероси — халқ оғзаки ижоди, достон ва эртаклар асосида мультимедиали маҳсулотлар тайёрлаш ҳамда кенг оммалаштириш ҳақида.

— Иштирокчилар юртимизда таълим соҳаси ривожланиши баробарида, айни пайтда тарбия таълимдан бироз ортда қолаётганини якдиллик билан қайд этишди, — деди шўъба модератори, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудири Мансур Бекмуродов. — Мунозаралар жараёнида билдирилган аксарият таклифлар ҳам ана шу муаммонинг ечимига қаратилган. Айниқса, ёшлар ва интернет, ёшларда глобал тармоқдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш масаласи қизғин баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Биз бунинг учун, аввало, глобал тармоқнинг миллий сегментида ижтимоий фойдали, шу жумладан, тарбиявий аҳамиятга эга веб-ресурсларни кўпайтириш ва тарғиб этишни таклиф этдик. Бироқ мазкур вазифани қайсидир алоҳида ташкилот эмас, балки ёшлар билан боғлиқ турли масалалар, айниқса, ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланувчи барча давлат ва нодавлат ташкилотлар ўз имкониятлари доирасида биргаликда бажаришлари лозим, деб ўйлаймиз.

Ёшлар таълим-тарбияси, шунингдек, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш жараёнида интернет имкониятларидан фойдаланишга доир таклифлар бошқа шўъбаларда ҳам билдирилди. Жумладан, «Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иждодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш» мавзуси муҳокама қилинган иккинчи шўъба йиғилиши иштирокчилари глобал тармоқда «Интеллектуал авлод» порталини яратишни таклиф этишган.

— «Ёшлар — Ўзбекистоннинг стратегик ресурси» деб номланувчи концепцияни ишлаб чиқишни ҳам мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз, — дея таъкидлади ўз ҳисоботида шўъба модератори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси ижрочи директори Абдунаби Пардаев. — Яна бир таклифимиз шуки, ёшларнинг инновацион фаолиятини ошириш мақсадида юртимиздаги илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда, шунингдек, хорижий ташкилотларни кенг жалб этган ҳолда интернет маконида стартаплар, бизнес-инкубаторлар ҳамда технопаркларни яратиш айни муддаодир.

Ёшлар билан боғлиқ кўплаб муаммоларни таълим воситасида ечиш мумкин, деб қайд этишди анжуман иштирокчилари. Айтайлик, ёшларни ахборот оқими билан кириб келувчи ёт ва зарарли ғоялар, ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, аввало, уларнинг ўзида ушбу таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитет бўлишини тақозо этади. Бундай иммунитет эса, кишида фақат билим эгаллаш жараёнида шаклланади. Бир сўз билан айтганда, бола ахборот маконида оқни қорадан ажрата олиши учун воқеа-ҳодисаларга нисбатан таҳлилий-танқидий муносабатда бўлмоғи лозим. Қандай қилиб? Анжуман иштирокчиларидан бири — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кафедра мудири Эльзара Юзликаева муаммо ечими сифатида мактабдан бошлаб таълимнинг барча босқичларида медиатаълимни жорий этиш ҳамда бу масала билан шуғулланувчи махсус марказ ташкил қилишни таклиф этди.

Ёшларга оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш масаласи ҳам иштирокчилар эътиборидан четда қолгани йўқ. Хусусан, анжуман давомида «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш» мавзусини муҳокама этган учинчи шўъба қатнашчилари «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунни бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ҳамда унинг янги таҳририни ишлаб чиқиш таклифини илгари суришди.

Баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг роли хусусида мунозара олиб борилган олтинчи секция йиғилишида ёшларни интернетдаги салбий мазмундаги ахборотлардан муҳофаза қилиш мақсадида «Оммавий ахборот воситаларида ёшлар ҳимояси тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш кераклиги алоҳида таклиф сифатида айтиб ўтилди.

Эксперт комиссияси хулосаларига кўра, ҳар бир шўъба бўйича анжуман мавзусига доир илмий ва амалий таклифларга эга энг сара маъруза мualлифлари аниқланди. Улар анжуманнинг якуний ялпи йиғилишида диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Наргиза УМАРОВА,**
**«Turkiston» мухбири.**
*Сардор Муллажонов олган суратлар*

**Нигора Алиева,**
**Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази катта илмий ходими:**

— Анжуман кутганимдан ҳам аъло даражада ўтди. Бир нарсадан, айниқса, мамнунман: ёшлар сиёсатининг долзарб масалалари хусусида биз, олимлар бу йўналишда бевосита фаолият олиб бораётган кўплаб ташкилотлар, давлат органлари вакиллари билан бир даврада ўтириб мулоҳаза юритдик. Анжуман давомида назариётчи ва амалиётчилар ўртасида ана шундай ҳамкорлик муҳитининг яратилгани унинг ишига ижобий таъсир кўрсатди, албатта. Мен «Ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ёшлар спортини ривожлантириш» деб номланган бешинчи шўъба йиғилишида қатнащдим. Биласизми, ушбу шўъбада нафақат соғлиқни сақлаш тизими ёки жисмоний тарбия соҳаси мутахассислари, балки ҳуқуқшунос, психолог, педагоглар ҳам иштирок этишди. Бу эса, мавзуга ҳар томонлама ёндашиш, кўтарилаётган муаммоларни турли нуқтаи назардан кўриб чиқиш ва таҳлил этиш имконини яратди. Натижада, аниқ, пухта ўйланган таклифлар юзага келди. Биз шу хулосага келдикки, юртимизда ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ёшлар спортини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг жойлардаги ижроси юзасидан қатъий мониторинг механизмига эга бўлмасак ва уни ишга солмасак, бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар самарадорлигига эришиш қийин. Анжуман якунида ўзим қатнашган шўъбада маърузам биринчи ўринга лойиқ деб топилганидан ниҳоятда хурсандман. Бундай анжуман давомли бўлишини ва ҳар йилги ўтказиб турилишини хоҳлардим.

**Жамол Носиров,**
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти кенгаши раиси:**

— Аввало, анжуман давомида ёшларнинг фаоллигини алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман. Ҳатто олим ва тадқиқотчилар орасида ҳам ёшлар кўпчиликни ташкил этди. Анжуманга бир қанча таклифлар билан келгандик. Шулардан бири барча ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасаларида, таълим йўналишидан қатъи назар, сиёсатшунослик фанини ўқитиш ҳақидаги таклифдир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг барча қатламлари билан ишлайди. Бугун ёшларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий фаоллигини ошириш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Тўғри-да, модомики, ўзгариш ва янгиланишлар даврида яшар эканмиз, ҳар биримиз мамлакат ва дунёда содир бўлаётган сиёсий жараёнлардан яхши хабардор бўлишимиз, нафақат хабардор бўлиш, балки уларни таҳлил эта олишимиз ҳам керак. Шу боис таълим муассасалари ўқув дастурига сиёсатшунослик фанининг киритилишини муҳим деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, ҳозир Ҳаракатнинг ҳудудий кенгашлари қошида 97 та «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» фаолият кўрсатяпти. Бу марказлар ёшларга турли касб ва ҳунарларни ўргатиш ва шу йўл билан уларнинг ижтимоийлашувига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган эди. Бироқ айни дамда ЁИХМларни такомиллаштириш, жумладан, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тўғаракларни бугунги кун талаблари асосида қайта ташкил этиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Шўъба йиғилишида бу мавзуни қизғин муҳокама қилиб, тегишли таклифларни анжуман ишчи гуруҳига тақдим этдик.

**Шаҳзода Неъматова,**
**Самарқанд давлат университети ўқитувчиси:**

— Мен мамлакатни демократик янгилаш жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари кўриб чиқилган учинчи шўъба йиғилишида маъруза билан қатнашдим. Муҳокама жараёнида бизда дастлаб шахс ҳуқуқий маданиятини белгиловчи мезонлар нималардан иборат бўлиши керак, деган баҳсли савол вужудга келди. Чиндан ҳам, ҳуқуқий маданиятни ҳар биримиз турлича тушуниб, ҳар хил талқин этар эканмиз. Демак, муаммони ечишдан аввал бу масалага ойдинлик киритиб, қатъий бир тўхтамга келиш зарур. Бошқа томондан, ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш фақат ҳуқуқшунослар зиммасидаги вазифа эмас. Шу билан бирга, мазкур жараёнда ёшларни ҳуқуқшуносларга айлантириш, яъни улардан мутахассис даражасидаги билимларга эга бўлишни талаб қилиш ҳам нотўғри. Ёшлар билан ишлаётганда бу масалага алоҳида эътибор қаратишга тўғри келади. Шўъба йиғилиши якунида ёшларда ҳуқуқий маданият ҳуқуқий таълим билан параллел равишда шакллантирилгани мақсадга мувофиқ, деган хулосага келдик. Лекин бу ҳуқуқий таълимни фақат таълим муассасалари бериши кераклигини англатмайди. Жамоат ташкилотлари ҳам мазкур жараёндан четда қолмасликлари лозим. Шу маънода биз анжуман ишчи гуруҳига ёшлар масалалари билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида жойларда ҳуқуқий саводхонлик марказларини очиш таклифини бердик.



## Hududlardan mujdalar

ҚАШҚАДАРЁ

**«Етакчи» ёшлар маркази Қашқадарё вилояти филиали жорий йилнинг 16 январидан 7 февралига қадар вилоятдаги олий таълим муассасаларининг гуруҳ, курс, факультет етакчилари иш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар ўтказмоқда.**

Семинар давомида талабаларга ёшларга оид давлат сиёсати, ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар ҳамда уларни амалга оширишда «Камолот» ЁИҲнинг ўрни, гуруҳ, курс, факультет етакчиларининг функционал вазифалари тўғрисида тушунчалар берилянти. Бундан ташқари, етакчилар фаолиятидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳал этиш юзасидан тавсиялар берилянти. Шунингдек, Ҳаракатнинг турли лойиҳалари ҳақида маърузалар қилинмоқда. Лойиҳа юзасидан керакли билимга эга бўлган талабалар семинарнинг иккинчи ярмида кичик гуруҳларда иш олиб боришади. Унга кўра, 1-гуруҳ олий таълим муассасаларининг гуруҳ фаоллари учун, 2-гуруҳ курс фаоллари учун, 3-гуруҳ факультет фаоллари учун, 4-гуруҳ олий таълим муассасалари фаоллари учун лойиҳалар ишлаб чиқмоқда. Шу кунга қадар тўғказилган семинарларда «Ёшлар кўргазмаси», «Сўз ўйини», «Обод гуруҳ майдони» каби лойиҳалар тайёрланди. Ҳозирда ушбу лойиҳалар Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ҳамда олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари етакчиларига тақдим этилмоқда.

* * *

Қарши агробизнес ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида «Оилада соғлом муҳитни шакллантириш» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир вилоят адлия бошқармаси, репродуктив саломатлик маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қарши шаҳар бўлими, вилоят ОИТСга қарши кураш маркази, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси вилоят бўлими вакиллиги, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари бошқармаси, «Оила» илмий-амалий маркази, шаҳар прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида сўз юритилиб, соҳа мутахассисларидан «Оилада фарзанднинг маънавияти», «Оилада тиббий маданиятни шакллантириш», «Репродуктив саломатлик нима?», «Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш профилактикаси», «Оилада фарзанднинг ота-она олдидаги мажбуриятлари», «ОИВ инфекцияси ҳақида тушунча», «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, маҳалла ва оиланинг соғлом муҳитни шакллантиришдаги узвий боғлиқлиги» каби мавзуларда талабаёшларга ва маҳалла маслаҳатчиларига тушунча беришди.

Тадбир очиқ мулоқот тарзида ташкил этилиб, савол-жавобларга бой бўлди.

Buyuk ajdodlarimiz

# Кўк аҳлининг ярашиқли безаги

Алишер Навоий ижоди деганда, кўз ўнгимизда бепоён осмон қаърини тунда нурафшон айлайдиган юлдузлар гавдаланади. Олисдан қараганда, бу нафис гўзаллик бўлмиш юлдузлар санаб чиққудек кўринса-да, бироқ бу осмон тубининг ниҳоясига, юлдузларнинг чек-чекига, яъни Навоий ижодиётининг ниҳоясига етиб бўлмайди, балки бу ноёб дурдонанинг ичига кирган сари уни англаб, тушуниб бораверади киши.

Шоирнинг ижодидаги ўзига хос сеҳр ҳар бир юракни мавжлантиради, қалбдаги ҳис-туйғуларни жунбушга келтиради. У табиийликни, абадийликни тараннум этади.

Алишер Навоий қолдирган маънавий мерос самовот ва самовий ҳодисаларга мурожаатнинг кўплиги билан ажралиб туради. Буни «Хамса» таркибидаги достонларнинг Меърож туни тасвирига бағишланган бобларида равшан кўриш мумкин. «Хамса» достонларида Қуёш ва Ой тимсоллари, уларга ишоралар ҳамда мазкур сайёраларнинг тасвирий ифодалари мавжуд. Кўринадики, Алишер Навоий Шарқ мумтоз адабиёти анъаналарини давом эттирган ҳолда мавзуга ижодий ёндашган, ўша тимсолларга мурожаат қилиш билан янги манзаралар яратган. Шоирнинг бундай изланишлари унга инсон руҳий ҳолатини ҳар томонлама батафсил тасвирлаш имкониятларини ҳозирлаб берган. Шоир фақат анъанани давом эттириш доирасида чекланиб қолса эди, номи қайд этилган «Хамса» таркибидаги достонларда Қуёш ва Ой тимсоллари бу қадар шаклий ва мазмуний жило касб этмаган бўларди.

Зеро, самовий жисмлар орасида Қуёшни олиб қарайдиган бўлсак, уни тириклик рамзи бўлганлиги учун «кун подшоҳи», «Шарқ шоҳи», «юлдузлар султони», «тонг подшоҳи», «тонг шунқори» каби бир қатор сифатлар билан улуғлашган. Навоий таъбирида эса Қуёш — «ҳур», «жаннатнинг малаги», «осмон мулкининг шоҳи», «кўк аҳлининг ярашиқли безаги», «кўкнинг кўз қорачиғи»дир:

*Сипеҳр аҳлининг зеб ила зайни ул,*
*Демай айни ул, қурратул – айни ул.*

Яъни бир пок, тоза гулбоғ — жаннатнинг доимий яшовчиси ҳурдан ҳам афзалдир. У осмон мулкининг шоҳи — Қуёш бўлиб, оромгоҳи фируза рангли осмон тахтидир. У кўк аҳлининг ярашиқли безаги, кўрар кўзи, балки кўз қорачиғидир. Порлоқ чақмоқлар унга кўзгу бўлиб, даъволарига гувоҳ зарралардир.

*Жайби аро тугма Тийру Ноҳид,*
*Эгнида тирозу Ойу Хуршид.*

Фалак кийимидаги тугмалар Тир ва Ноҳид юлдузлари бўлса, эгнидаги ипак жияклари Ойу Хуршиддир. Шоир Қуёшнинг «Кун» тарзидаги кўринишини Лайли таърифини келтирганда айтиб ўтади:

*Кун қумни қилур неча қизиқроқ,*
*Ўт ёнса бўлур яна исиқроқ.*
*Бор эрди қуёш мизожи нори,*
*Қумнинг ҳам эсиб насими ҳори.*

«Қуёш қумни қанчалик қизитмасин, унга ўт ёқилса, яна ҳам алангаланади. У Қуёш — Лайлининг мижози иссиқ бўлиб, қумларнинг ҳам иссиқ нафаси уриб турарди».

Ой нафақат шоирлару севишганлар учун илҳом манбаи, балки инсоният тамаддунининг барча тараққиёт босқичларида у муайян амалий вазифаларни бажариб келган. Ой тунги йўловчининг йўлини ёритган, географик жойларнинг узунлиги Ой тутилишлари билан аниқланган, мунтазам денгиз кўтарилишлари ва пасайишлари денгиз тубини ялангочлаб, қирғоқ бўйи мамлакатларининг миллионлаб аҳлини озиқ-овқат билан таъминлаган. Мусулмон мамлакатларида Ой турмуш тартибини белгилаб ҳам берган.

Ой (қамар, моҳ, бадр, ҳилол) ҳам гўзаллик ифодаси учун хизмат қилган: маъшуқанинг гўзал юзини ой, моҳ, моҳтоб, моҳитобон, бадр, қамарга нисбат беришса, қошини ҳилолга ташбеҳ қилишган.

Навоий «Хамса»сида Қуёш ва Ойнинг бадиий тимсоли ранг-баранг мавзудаги байтларда яққол намоён бўлади. Шоир достонларидаги асосий қаҳрамонлардан бири маъшуқани васф этиш, уни қиёссиз гўзаллик намунаси сифатида тасвирлаш орқали ҳар иккала бадиий тимсолдан ниҳоятда юксак маҳорат билан фойдаланади. Ижодкор Қуёш ва Ой тимсолларини маъшуқа ўрнида қўллаш билан илоҳий ва мажозий ишқни бир нуқтада бирлаштириб, бадиий ифодалаш самовий тимсоллар воситасида табиий манзараларни маънавий ҳодисалар билан ёндош этилишининг ўзига хос ифодасини чиза олган. Бу эса Навоийнинг сўз қўллаш маҳоратини янада теранроқ ифода этиб туради.

**Ботир ЗАРИПОВ,**
**Навоий давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти.**
**Насиба ЯРАШОВА,**
**тадқиқотчи**

Kichik tadqiqot

# Яхшиликка етаклар

Бир бор экан, бир йўқ экан...
Бу сеҳрли сўзлар ҳар биримизнинг қулоғимизда мудом жаранглаб тургандай. Негаки, биз ҳаётни илк бора ана шу жозибадор жумла орқали идрок эта бошлаганмиз. «Бир бор экан, бир йўқ экан...» дея бошланувчи эртакларимиз биз билан ҳамиша йўлдош, ундан сўнг ҳаётда жилд-жилд китобларни мутолаа қилган, ундан ҳам мазмундор ҳикояларни тинглаган, ўзимиз ҳам қизиқ-қизиқ воқеаларни гапириб берган бўлишимиз мумкин, лекин барибир эртаклар биз учун бу мўъжизавий дунёни англамоққа биринчи калит вазифасини ўтаб берган. Шунинг учун ҳам уларни умрбод ардоқлаймиз.

Эртаклар ҳар бир миллат адабиётининг хазинасидир. Адабиётнинг ривожланишида эртаклар асосий манбалардан ҳисобланади. Жаҳонда турли халқларга тааллуқли кўплаб эртаклар ижод этилган, уларнинг ҳар бири мазмунига кўра бир-биридан фарқланади. Аммо уларнинг барчасида битта умумийлик бор: уларда эзгулик ғояси устувор бўлади.

Эртак барча халқлар сингари бизнинг халқимизда ҳам шу қадар кўп ва хилма-хил мавзуларда тарқалганки, баъзи ҳудудларда уни ўзига хос тарзда атаганлар. Хусусан, айрим жойларда ушук, матал, чўпчак деб ҳам юритилган.

Эртакларнинг инсон камолидаги ўрни беқиёс. Болалик тасаввурлари эртаклар билан бойийди. Эртаклардаги ижобий қаҳрамонларга тақлид қилган болалар кўнглида мардлик, содиқлик, меҳр-мурувват туйғулари куртак отади, ўша қаҳрамонлардек жасур, шижоатли, ақлли бўлишга интилиш ҳисси уйғонади. Эртаклардаги қаҳрамонлар, ҳайвонлар, уларнинг кутилмаган вазиятлардаги уддабуронликлари эртак тинглаётган боланинг ақлини чархлашга ва хотирасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу зайлда эртаклар авлоддан-авлодга етказилади.

Ўзбек халқ эртаклари мавзусига, тил воситаларидан фойдаланиш усулига, воқеалар тизимига кўра шартли равишда ҳайвонлар ҳақидаги, сеҳрли ҳамда маиший эртаклар сингари уч йирик турга бўлинади. Бундан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш лозимки, ҳар бир турга мансуб эртак сюжети, ундаги қаҳрамонлар, саргузаштлар ҳамда бир қатор тасвирий воқеалар орқали бир-биридан фарқ қилади. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар, асосан, халқимиз томонидан тўқималар асосида яратилади. Эртаклардаги жониворларнинг сўзлашувлари уларни ҳаётийлаштиради. «Қуёш ерининг паҳлавони», «Илон оға», «Кийик билан кади», «Тулки билан хўроз», «Қарға билан қози», «Сусамбил», «Бўри билан тулки», «Ҳийлагар бедана» каби эртаклар ҳайвонлар ҳақидаги эртаклардир. Бу эртаклар кўпроқ маърифий мақсадни назарда тутган ҳолда ижод қилинган. Сеҳрли эртакларда эса, энг муҳим жиҳат сифатида турли мўъжизалар, афсунгарлик, фантастик тасвирлар етакчилик қилади. Шу билан бирга, сеҳрли эртакларда мифологик дунёқараш алоҳида, аниқ сезилади. Бундай эртаклар сирасига «Ур тўқмоқ», «Семурғ», «Меҳригиё», «Ота васияти» ва бошқалар киради. Маиший эртакларда бевосита кундалик ҳаётда рўй бераётган воқеалар асос қилиб олинган. Тасвирланган ҳодисалар ҳар бир инсон ҳаётида рўй бериши мумкинлиги маиший эртакларнинг ўзига хос томонидир. Бундай эртакларнинг муҳимлиги шундан иборатки, уларда тарбиявий йўналиш аниқ ифодаланган бўлади. «Уч оғайни ботирлар», «Зумрад ва Қиммат», «Ойжамол» эртаклари маиший эртаклар ҳисобланади. Маиший эртакларда ҳам, ҳамма эртакларда бўлгани каби сеҳрли тасвир ва муболағадан кенг фойдаланилади.

Ўзбек халқ эртаклари чин маънода инсонларни эртанги кунга умид кўзи билан қарашга ундайди. Ҳар бир ишнинг хайрли якун топиши, эзгулик доимо ғалаба қозонишига бўлган ишончни янада оширади. Эртаклар ўзбек халқ маданий меросининг муҳим намуналаридир.

**Сайёра ЗУПАРОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

Ta'lim maskanlarida

Бир минг икки юз бир нафар иқтидорли ва истеъдодли йигит-қизни ўз бағрига олган Қарши ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида малакали кичик мутахассислар тайёрлашнинг мукаммал тизими яратилган. Ёшларнинг ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда таълим-тарбия ишини ташкил этаётган мураббийларнинг ҳар бир дарсини мукаммал ўзлаштириб олишга интилаётгани қувонарлидир.

# Ёшлар ҳар жабҳада фаол

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамфикрлик, ҳамжиҳатликнинг пайдо бўлаётганлиги эса, устоз-шогирдлик анъанасини қарор топтириш баробарида, малакали, сифатли, рақобатбардош мутахассислар етишиб чиқишига замин ҳозирламоқда. Коллежда тайёрланаётган компьютер ва компьютер тизимларини созлаш ва таъмирлаш техниги йўналишини битирган ёшларга ҳар бир корхонада иш топилади. Почта алоқаси хизматларини ташкил этиш бўйича мутахассис, радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение воситаларини ишлатиш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш техниги йўналишларини битираётган ёшларга ҳам талаблар кўп.

Фан олимпиадаси, кўрик-танлов ва спорт мусобақалари ўқувчилар билимини, истеъдодини белгилашда асосий мезон ҳисобланади. Ўқувчимиз Малика Ғуломова ахборот технологиялари йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ кўрилган бўлса, унинг издоши Гулноза Дилмуродова «Ҳуқуқ билимдонлари» кўрик-танловининг республика босқичида олий ўринга сазовор бўлди.

Спорт инсоннинг иродасини тоблайди, ўз кучига ишончни орттиради. Коллежимизни спортчи ёшлар маскани деб аташади. Фикримизни чемпион ёшлар фаолияти тасдиқлайди. Ўқувчиларимиз — Мафтуна Самадова, Дилноза Ғаниева қўл жанги, Мурод Ботиров каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номни оқлаб келаяпти. Рустам Раҳматуллин, Алина Мусина, Ника Кондратенко баскетбол бўйича республика мусобақаларида Қашқадарё баскетбол терма жамоаси таркибида фаол иштирок этмоқда.

**Равшан АБДУРАҲМОНОВ**

# Болага дўстона муносабатда бўлинг

*Бекобод шаҳридаги ҳудудий тиббиёт бирлашмаси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бош шифокор муовини, олий тоифали акушер-гинеколог Феруза Ёрматова шундай дейди.*

Дарҳақиқат, болага дўстона муносабатда бўлиш, меҳр кўргазиш, у ҳали дунёга келмасидан анча аввал, аниқроғи, илк ҳомиладорлик давриданоқ бошланади. Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатлар ана шу мақсадга қаратилган.

Бекобод шаҳрида барча қулайликларни ўзида мужассам этган 85 ўринли янги, замонавий акушерлик мажмуаси фойдаланишга топширилганда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида катта қадам қўйилган эди. Бугун эса ана шу мажмуадан унумли ва самарали фойдаланилмоқда. Мажмуада беш нафар акушер-гинеколог, икки нафар чақалоқлар шифокори ҳамда реаниматор-анестезиолог фаолият юритади. Акушер-гинекологларнинг тўрт нафари юқори малакага эга бўлган олий тоифали шифокорлардир.

Ҳозирда тумандаги туғруқ ёшидаги аёллар сони 22 минг нафарга яқин бўлиб, улар йил давомида икки тур текширувдан ўтказилади. Текширувлар, албатта, чуқурлаштирилган тарзда олиб борилади. Шаҳар ҳудудидаги поликлиникаларда, маҳаллалардаги тиббий шохобчаларда ўтказиладиган тиббий текширув жараёнига терапевтлар, акушер-гинекологлар, флюрографлар, стоматологлар, лаборатория ходимлари жалб этилади. Туғруқ ёшидаги аёллар чуқурлаштирилган ҳолда тиббий кўрикдан ўтказилади.

Биргина 2011 йилда 98 фоиз аёллар тиббий кўрикдан ўтказилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 100 фоизни ташкил қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан, ФҲДЁ идораларига мурожаат қилган ёшлар руҳий касалликлар, гиёҳвандлик, таносил ва сил касалликлари, шунингдек, ОИВ, ОИТС бўйича ҳам ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказилаётгани эътиборга молик.

Болага дўстона муносабатда бўлиш тиббиётнинг муҳим шартларидан бири эканлиги барчага маълум. Шундай экан, она ўз боласини ҳомиладорлик давридаёқ тўғри парваришлай билиши, бола туғилган пайтида эса, асосий эътиборни кўкрак сути билан боқишга, ўз бағрида бўлган боласига бутун меҳрини бахшида эта олишга қаратиши зарур. Бола қанчалик ўз онаси бағрида бўлса, ундан шунча кўп меҳрни, яқинликни сингдириб олади. Жойларда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, болаларни кўкрак сути билан боқиш, тўғри парваришлаб боришнинг аҳамияти катта эканлиги тушунтирилмоқда.

Барча маҳаллаларга акушер-гинекологлар бириктирилган бўлиб, улар туғруқ ёшидаги аёллар ўртасида узлуксиз равишда тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришаётир. Она ва бола саломатлигини сақлаш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасидаги профилактик ишлар ўзининг сезиларли самарасини бермоқда. Шаҳарда соғлом онадан соғлом бола туғилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Коллеж ва мактабларда эрта никоҳнинг олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга ҳар жиҳатдан пухта тайёрлаш бўйича ҳам кенг қамровли тушунтириш ишлари йўлга қўйилган.

Шу ўринда болалар реаниматор-анестезиологи Ғуломжон Ҳусанбоевнинг фидойилиги, ўз касбига садоқат билан ёндашиб, сидқидилдан меҳнат қилаётганлиги таҳсинга сазовор. Айнан ана шундай жонкуяр шифокорлар борлиги туфайли юртимизда она ва болалар саломатлиги тобора яхшиланиб, болага бўлган дўстона муносабат янада мустаҳкамланмоқда.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

Ota-ona va maktab hamkorligi

# Фарзандингизни тергаб турасизми?

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бешариқ тумани кенгаши ва туман ҳокимлиги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳамкорлигида тумандаги 11-мактабда «Гиёҳвандликка қарши кураш ва наркомания билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш» мавзуида очиқ мулоқот ўтказилди.

Тадбирда мавзуга оид «Ажал чангалида» видеофильми намойиш этилди. Шунингдек, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бўлимлари ходимлари сўзга чиқиб, ушбу салбий иллатлар инсон ҳаёти, келажаги учун нақадар салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлиги хусусида айтиб ўтишди.

Йиғилишда ушбу салбий иллатлар бугунги кунда тарбияси бўш айрим ёшларни ўз домига тортаётгани ва бунда ота-оналар ҳамда мактаб ҳамкорлигини янада жонлантириш лозимлиги муҳокама қилинди.

Бундай тадбирларни барча мактабларда режали тартибда ўтказишга келишиб олинди.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

Yoshlik ilhomi

**ЖАЙРОН КЎЗ**

*Жайрон кўзли жонон қиз,*
*Ошуфта этдинг мени.*
*Тундек қора сочли қиз,*
*Тун каби ютдинг мени.*

*Сочларинг толасида*
*Қора туннинг сеҳри бор.*
*Қалбимизда, азизим,*
*Ой-офтобнинг меҳри бор.*

*Овозинг болдек тотли,*
*Юрагимга етади.*
*Озорларинг азобли,*
*Ошиқ жоним ўртади.*

*Қора соч сеҳргар қиз,*
*Йўлим ёрит ой бўлиб.*
*Тун қўйнида мен ёлғиз,*
*Сени ўпай сой бўлиб.*

**ОЙ**

*Кўзларимни оҳиста ўпар,*
*Термиламан, тўлин ой, эркам.*
*Тун қўйнида ойни қучоқлаб,*
*Кипригингда қалтирар шабнам.*

*Туйғулар, о, денгиздек тошган,*
*Қирғоқларга бош урар тўлқин.*
*Юрагимиз кўкка туташган,*
*Йўлларимиз ёритар ойдин.*

*Сомончи чол тўшар поёндоз,*
*Юксаламиз ундан уфққа.*
*Қалб тубида самовий овоз,*
*Бизни чорлар абадий ишққа!*

**САЙР ЭТАЙЛИК**

*Сизнинг кулгингиздай соҳир, беғубор,*
*Ишва айлаб кўнглим чоғлайди боғлар.*
*Келинг, ғам уйини вайрон қиламиз,*
*Севгилим, боғ аро сайр этайлик!*

*Новдалар сочингиз каби чўмилсин,*
*Шўх ёмғир кўнглимиз ғуборин ювсин.*
*Қалбимдек япроқлар чанги ювилсин,*
*Севгилим, боғ аро сайр этайлик!*

*Шаҳар шовқини гоҳ менга ёқмайди,*
*Сизнингча, ой қизлар менга боқмайди.*
*Ҳаммаси барною, сиздек ёқмайди,*
*Севгилим, боғ аро сайр этайлик!*

*Қалдирғоч чаманга кўкламда келар,*
*Қалбим сизни, жоним, ҳар лаҳза тилар.*
*Қора сочларингиз минг кўйга солар,*
*Севгилим, боғ аро сайр этайлик!*

**Шерзод ҚУРБОНОВ**

## Аср спортчиси

Буюк Британияда яшовчи тажрибали марафончи, асли ҳиндистонлик Фауджа Сингх 102 ёшида фаолиятига якун ясашини эълон қилди.

Унинг учун яқинда Гонконгда ўтказиладиган мусобақа фаолиятидаги охиргиси бўлади. Баҳорда расман 102 ёшга тўладиган Сингх шундан сўнг расмий спорт мусобақаларида қатнашмайди. Аммо у ўз соғлиғини ўйлаб, ҳар куни камида тўрт соатдан югуриб туришини айтган.

Ўтган йили Фауджа Сингх Лондонда ўтказилган марафон мусобақасида белгиланган масофани 7 соату 49 дақиқада босиб ўтган эди. Ҳакамларнинг сўзларига қараганда, бу ёшда бундай масофа рекорд натижа ҳисобланади. Унинг «Гиннеснинг рекордлари» китобидан жой олишига эса, унга 1911 йилдаги Ҳиндистонда паспорт тизими аниқ ишламагани тўсқинлик қилди. Кекса спортчи «Камроқ егин, кўпроқ югургин, шунда касалликнинг ўзи сени айланиб ўтади» деган шиор билан яшашини бот-бот таъкидлайди.

## Тарвузи борлардан эҳтиёт бўлинг

Австралия автобусларидан бирининг ҳайдовчиси йўлкира сўрагани учун йўловчилардан бири қўлидаги тарвуз билан уни уриб қолди.

Натижада, тарвуз ҳайдовчи бошига тегибоқ ёрилиб кетди. Жиноятчи воқеа жойидан жуфтакни ростлади, лекин яна негадир қайтди ва яна уришда давом этди. Йўловчилар тарвузчини ушлаб, полицияга топширишди. Ҳозир тиббий текширувлардан ўтаётган ҳайдовчининг соғлиғи анча яхши, аммо буёғига қўлида тарвузи борлардан йўлкира сўрамаслиги аниқ. Жиноятчини эса руҳий касалликлар шифохонасига топширишлари мумкинлиги маълум қилинган.

## 76 йилда етиб келган мактуб

Янги Зеландиялик Питер Хиллбрикка 1940 йилда вафот этган бобоси Герберт Эрнест Хиллбрикнинг 1936 йилда ёзилган мактуби етиб келди.

Гап шундаки, Австралиядан Янги Зеландияга қараб шиша идишга солиб юборилган хат эгасига етиб бормайди. Денгизда 76 йил қолиб кетган хатни Жефф Флуд исмли киши қирғоқларнинг биридан топиб олди. Эгасини топишга қарор қилган Жефф хат эгасини топа олмаса ҳам унинг набирасини топди. Питер бобосини кўрмаган бўлса ҳам ундан мактуб олди.

Айни пайтда Янги Зеландия қирғоқларидан кўплаб хатлар топилади. Одатда, хатни топиб олганлар хат эгасини қидирадилар. Афсуски, ҳар доим ҳам хатда етарлича маълумот кўрсатилмаган бўлади. Буни уддалаган Жефф Флудга Питер миннатдорлик билдирди ҳамда бобосидан қолган ноёб буюмлардан бирини унга ҳадя қилди.

**Интернет манбалари асосида**
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

*Javohir*

## Алишер Навоий

Ҳам жисмингга заъф бўлса жоним садқа,
Ҳам жонингга жисми нотавоним садқа,
Сарвингга шикаст ўлса равоним садқа,
Йўқ-йўқки, санга жону жаҳоним садқа.

* * *

Ё кошифи асрори ниҳон бўлса киши,
Ҳаллоли рамузи осмон бўлса киши,
Ё ошиқи зори нотавон бўлса киши,
Девонау расвойи жаҳон бўлса киши.

* * *

Гул зикрин эшитурмену йўқ гулдин асар,
Бу боғ эшигидин истарам онча гузар.
Ким топмаса гул жамолидин баҳра назар,
Бори исидин етса димоғимға хабар.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотолавҳаси

Тошкент шаҳридаги 138-мактабда Назокат Рўзметова ўн икки йилдан буён ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда. Дарсдан бўш пайтларида эса, мактабда ташкил этилган инглиз тили тўгарагини бошқаради. Ҳатто бошланғич синф ўқувчилари ҳам бу тўгаракнинг фаол аъзоларига айланиб қолишган.

**СУРАТДА:** *Назокат Рўзметова тўгаракнинг жажжи аъзолари билан кўргазмали машғулот ўтказмоқда.*

Sport

# Санжар Турсунов — Ўзбекистоннинг энг яхши футболчиси

Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан ўтказилган махсус сўров натижаларига кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов ўтган 2012 йилнинг энг яхши мураббийи, миллий терма жамоамиз ярим ҳимоячиси Санжар Турсунов эса, йилнинг энг яхши футболчиси деб топилди.

Санжар Турсунов ўтган мавсумда миллий терма жамоа таркибида жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида бир қанча муваффақиятли ўйинларни ўтказди. Хусусан, Жанубий Корея, Қатар сингари мамлакатлар терма жамоаларига қарши учрашувларда муҳим голларга муаллифлик қилди, қолган ўйинларда ҳам фаоллик кўрсатди.

Миржалол Қосимов эса, миллий терма жамоани ўта мураккаб аҳволда қабул қилиб олган бўлишига қарамай (Эронга ютқазилган ўйиндан сўнг), уни гуруҳнинг охирги поғонасидан биринчи поғонасигача олиб чиқишга эришди. Эслатиб ўтамиз, айни пайтда Ўзбекистон терма жамоаси саралаш баҳсларининг бешинчи туридан сўнг, ўз гуруҳида пешқадам бўлиб турибди.

**Элмурод НИШОНОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

Psixolog maslahati

Бир ой олдин гуруҳимизга яна бир қиз келиб қўшилди. Аммо келганига анча бўляптики, ўз ўрнини топа олмаётгандек туюляпти. Ҳатто, келинг, ўртоқ бўлайлик, деб уни даврамизга қўшмоқчи бўлганимизда ҳам ўзини бегонадек тутишда давом этаверди. Йигитлар билан ҳам муносабати яхши эмас. Энг ёмони, ҳар куни ким биландир жанжаллашиб қолади. Яқинда устозларимиздан биридан яхшигина танбеҳ ҳам эшитди. Нима қилсак экан?

**Дилноза, Тошкент шаҳри**

**Саволга Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси, психолог Жавдат Пўлатов жавоб беради:**

— Янги муҳитга мослашиш даври ҳар кимда ҳар хил кечади. Кимдир янги шароитга тез мослашса, кимдадир бу жараён қийинроқ кечиши кузатилади. Баъзи инсонлар ўзининг феъл-атвори, бўй-бастига мос дўст ахтарадилар. Кимни ўзига дўст бўлишга муносиб деб билишини балки янги курсдошингиз ўзиям англамаганга ўхшайди. Айни пайтдаги ҳолатингизда янги қизга дўстлик таклиф қилиб тўғри қилгансизлар. Янги курсдош қизнинг гуруҳда ўзини ноқулай сезаётгани унинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлаётганини сизлар ҳам сезганга ўхшайсизлар. Курсдошингизнинг ўзини ёмон тутаётганига аҳамият бермаслик лозим. Янги қизнинг мослашиб олишига вақт керак бўлади.

Оилада берилган тарбия инсоннинг жамиятда ўзини тутишида ҳам, ўз ўрнини топишида ҳам муҳим восита ҳисобланади. Демак, курсдошингиз мослаша олмаяпти. Вақти келиб, ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади.




Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

**YON DAFTARCHANGIZGA**

Юракдан кибр разолатини ювишдан кўра, тоғни игна учи билан қўпормоқ осондир.

**Абу Ҳошим Сўфий**

Turkiston

МУАССИС:
«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

Бош муҳаррир:
Ашуров Салим Тўраевич

Таҳрир ҳайъати:
Баҳодир Ганиев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:
Худойбердиева Дилбар Эркиновна

Саҳифаловчи:
Рўзиев Зафар Ҳусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 233-95-97.
Реклама бўлими: (371) 233-79-69
e-mail:turkiston@sarkor.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-143.
Адади — 15287

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.45
ЎзА якуни — 22.45

Офсет усулида босилган.
1 2 3 4 5 6